

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

САБИРОВ МИРЗА ҚИЛИЧБАЕВИЧ

**ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Сабилов Мирза Қиличбаевич

Даромадларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш3

Сабилов Мирза Қиличбаевич

Совершенствование механизма налогообложения доходов31

Sabirov Mirza Qilichbaevich

Improvement the mechanism of the income taxation.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

САБИРОВ МИРЗА ҚИЛИЧБАЕВИЧ

**ДАРОМАДЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Iqt977 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Жўраев Абдуғаффор Сафарович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимжонов Одил Олимович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Яқуббоев Одил Обиджонович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “__” _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳ кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000 Амир Темур шоҳ кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34

Диссертация автореферати 2019 йил “__” _____ кунни тарқатилди.

(2019 йил “__” _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси).

Б.Э. Ташмурадова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

С.У. Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И. Каримкулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибасига кўра, даромадларни солиққа тортиш механизми солиқ тизимининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чунки, даромад солиғи воситасида давлат, бир томондан, бюджетнинг даромадларини шакллантирса, иккинчи томондан аҳоли даромадлари даражасини бошқариб боради ва шу орқали фуқароларнинг шахсий истеъмоли таркиби ҳамда жамғармаларини тартибга солади. Бошқа томондан кишиларнинг ўз даромадларидан имкон қадар самарали фойдаланишларини рағбатлантиради. Шунингдек, мазкур солиқ механизми ичида аҳолининг нисбатан кам таъминланган тоифаларига ижтимоий ёрдам беришни ҳам назарда тутиши мумкин¹. Умуман, халқаро амалиётга кўра даромадларни солиққа тортиш адолатли бўлиши лозим.

Дунёнинг етакчи халқаро молия институтлари, нуфузли илмий тадқиқот марказлари ва ривожланган давлатларда солиқ тизимининг асосий бўғини ҳисобланган даромадларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, даромадларни солиққа тортиш принциплари меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ солиқ юки ва даромадларга тушадиган солиқ юкини адолатли тақсимлаш йўллари хуфёна иқтисодиёт қамровини чеклашда даромадларни солиққа тортиш механизмларидан самарали фойдаланиш борасида тадқиқотлар олиб борилган. Лекин ҳозирги кунга қадар даромадларни солиққа тортиш механизмларини етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги ва бу жарённи такомиллаштириб бориш ислохотларни кун тартибига олиб чиқмоқда.

Ўзбекистонда жадал амалга оширилаётган иқтисодий, шу жумладан, солиқ ислохотлари орқали даромадларни солиққа тортиш механизмларини тубдан ўзгартириш шарт бўлиб қолмоқда. Бунда “Солиқ юкини камайтириш ҳисобига барчага бир хил адолатли солиқ режимини жорий этиш, солиқ имтиёзларини босқичма-босқич бекор қилиш лозим”². Чунки солиққа тортишнинг миллий ва халқаро амалиёти қиёсий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, даромадларни солиққа тортиш механизмларини шакллантиришда халқаро андозалардан узоқлашишга йўл қўйилган. Миллий иқтисодиётда банд аҳолининг қарийб 60 фоизи даромад солиғига жалб қилинмаганлиги, даромадларни солиққа тортишда ижтимоий адолат принципи тўлиқ таъминланмаганлиги бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Бу эса ўз навбатидаушбу танланган диссертация мавзумизнинг долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹IMF Fiscal Monitor: Tackling Inequality, October 2017 /www.imf.org

²Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 13 февралдаги Ф-5214-сон “Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сонли “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 29 июлдаги ПФ-5468 “Ўзбекистон республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, мазкур соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Даромадларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг назарий асослари классик олимлардан У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, шунингдек, Дж.Кейнс, А.Вагнер ва бошқаларнинг асарларида баён этилган бўлиб, улар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида даромадларни солиққа тортишнинг умумий қонуниятлари ва тамойилларини ёритган. Хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Лаффер, С.Брю, К.Макконел, Н.Менкью, П.Самуэльсон, Й.Ланг, МДҲ олимларидан С.Аминев, Е.Балацкий, А.Брызгалин, Н.Горский, Л.Кирина, В.Князев, И.Майбуров ва бошқаларнинг илмий ишларида даромадларни солиққа тортишнинг умумий масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, С.Волохов, А.Хорошуновалар³ томонидан даромадларни солиққа тортиш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилган.

Солиқ тизими ва солиққа тортишни такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганган ўзбекистонлик олимлардан А.Вахобов, А.Жўраев, Т.Маликов, Н.Хайдаров, Б.Тошмуродова, И.Ниязметов⁴ ва бошқаларнинг илмий

³ Антология экономической классики. В 2-х томах. Т.1. (В.Петти, А.Смит, Д.Рикардо) Предисловие И.А.Столярова. – М.: МП «ЭКОНОВ», 1991. – 475 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: «Гелиос АРВ», 2002. – 352 с.; A.V.Laffer (2004). The Laffer Curve: Past, Present, and Future. *Backgrounder*. The Heritage Foundation, 1 June, No. 1765.; N.G.Mankiw (2004), *Principles of Economics*, Southwestern Cengage Learning, 3rd edition, p.171.; Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Издание 15-е. Пер. с англ. – М.: Бином-КноРус, 1999. – 800 с.; Барулин С.В., Бекетова О.Н. Лафферовы эффекты в экономике современной России // Финансы. – М., 2003. - №4. – С.34-37.; Белостоцкая В.А. Системный подход к измерению налоговой нагрузки // Финансы. – М., 2003. - №3. – С. 36-37.; Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия // Финансы. – М., 2006. - №2. – С. 42-46.; Юткина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ИНФРА-М, 2002. – 576 с.; Хорошунова А.С. Совершенствование налога на доходы физических лиц в современной экономике России: диссертация ... кандидата экономических наук. – Ростов-на-Дону, 2007. – 155 с. <http://www.dslib.net/>; Волохов С.П. Налог на доходы физических лиц как инструмент социально-ориентированной налоговой политики: диссертация ... кандидата экономических наук. – Москва, 2012. – 181 с. / Экономическая библиотека - <http://economy-lib.com>

⁴ А.Вахобов Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2019. – 408 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2002. – 204 б.; Хайдаров Н.Х. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: Akademiya”, 2007. – 256 б.; Ташмуродова Б. Иқтисодий

ишларида даромадларни солиққа тортиш муаммолари ҳар хил ёндашувда ва турли даражада тадқиқ этилган.

Муаммони ўрганишга чуқурроқ ёндашган тадқиқотчилардан О.Абдурахмонов ва М.Адизовлар жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари бўйича тадқиқот олиб борган бўлса, И.Юлдашев, И.Ниязметов, М.Усманова, Ш.Қиёсов, А.Агзамов, ва А.Бозоровлар⁵, даромадларини солиққа тортиш бўйича тадқиқот олиб борган.

Даромадларни солиққа тортиш масалалари хорижлик ва Ўзбекистонлик олимлар ва тадқиқотчилар томонидан турли кўринишда тадқиқ қилинган бўлса-да, даромадларни солиққа тортиш механизмларини Ўзбекистон шароитида такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш ва модернизациялашнинг назарий, услубий ва амалий муаммолари алоҳида ва яхлит илмий тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Рақамли иқтисодиёт шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади даромадларни солиққа тортиш механизмни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

даромадларни солиққа тортишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш ва уни такомиллаштиришга оид замонавий тадқиқотлар таҳлилини амалга ошириш;

даромадларни солиққа тортишда горизонтал ва вертикал адолат таъминланиши, яшаш минимумига асосланган солиққа тортилмайдиган даромад миқдорини ўрнатишнинг объектив зарурлигини илмий асослаш;

Ўзбекистонда даромадларни солиққа тортиш тизимининг шаклланиши, ҳуқуқий ва услубий асосларини танқидий таҳлил этиш;

тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. – Тошкент, БМА, 2007. – 42 б.; Ниязметов И. Ўзбекистон солиқ тизими: муаммолар ва такомиллаштириш йўллари. Монография. – Т.: Молия, 2017. – 195 б.

⁵ Абдурахмонов О. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Тошкент, 2005.; Адизов А. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Тошкент, 2004.; Ниязметов И. Солиқ тизимини модернизациялашда даромадларни умумдекларациялаш механизмнинг объектив зарурлиги // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари, 18.11.2015. – Тошкент, 2015.; Усманова М. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Тошкент, 2010.; Қиёсов Ш. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Тошкент, 2019.; Агзамов А. Жисмоний шахсларни Солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Тошкент, 2019.; Бозоров А. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортишни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореф. – Тошкент, 2019.

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари таркиби ва уларнинг солиққа тортилиши ҳолатини таҳлил қилиш;

аҳолининг мустақил бандликдан олинадиган даромадларини солиққа тортиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини белгилаш;

даромадларни солиққа тортишнинг ривожланган мамлакатлар амалиёти қиёсий таҳлилин аналга ошириш;

даромадларни солиққа тортишда ижтимоий чегирмалар тизимини киритиш ва даромадларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўлларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти. Даромадларни солиққа тортиш механизми тадқиқот объекти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети даромадларни солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, тизимли ёндашув, кузатув, эксперт баҳолаш, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

солиққа тортишдаги ижтимоий адолатликни таъминлашдан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг айрим тоифаларига берилган солиқ имтиёзларини бекор қилиш лозимлиги асосланган;

тадбиркорлик субъектлари даромадларини асоссиз солиқдан озод этиш амалиётига чек қўйиш мақсадида концерт-томоша фаолияти билан шуғулланувчи шахсларни даромад солиғидан тўлиқ озод этиш имтиёзини бекор қилиш таклиф этилган;

индивидуал тадбиркорликдан даромадларга солиқ юки мувофиқлигини таъминлашда якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ёки ягона солиқ тўлови қўлланадиган реализация тушумининг аниқ чегараларини белгилаш мезонлари ишлаб чиқилган;

йирик ҳажмдаги даромадларга эга бўлган якка тартибдаги тадбиркорларни юридик шахслар учун назарда тутилган умумбелгиланган тартибда солиқ тўлаш тартибига ўтказиш таклиф этилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятидан олган даромадларига солиқ солинмаслиги олий тоифали меҳнат таклифида соғлом рақобат муҳитига путур етказиши асосланди ва шу сабабли мазкур имтиёзни олиб ташлаш тавсия қилинган;

якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларини қатъий белгиланган солиққа тортиш тизимидаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари сифатида фойдаланиши кўзда тутилган солиқ имтиёзини бекор қилиш лозимлиги асосланган;

жисмоний шахсларнинг мавсумий ёки бир марталик оладиган даромадларини солиққа тортиш имкониятини яратиш мақсадида кунлик (бир марталик) даромад солиғи, шу жумладан бир марталик қатъий солиқни жорий қилиш таклифи ишлаб чиқилган;

даромадлар устидан тўлиқ солиқ назоратини таъминлаш ҳамда даромад солиғининг фискал аҳамиятини ошириш мақсадида фуқароларнинг йиллик умумий даромадларини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш лозимлиги асосланган;

фуқароларнинг истеъмол кредитини тўлашга йўналтирилган даромадларини солиқдан озод қилиш орқали ялпи талабни ошириш ва норасмий даромадларни чеклаш мумкинлиги асосланган;

даромадларни умумдекларациялаш асосида солиққа тортиш механизмнинг муҳим шарти сифатида турмуш кечиришнинг минимал миқдорига асосланган солиққа тортилмайдиган даромад ҳажмини белгилаш таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг амалий маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан даромадларни солиққа тортиш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жисмоний шахслар даромадларни солиққа тортиш механизмни такомиллаштириш, шу орқали фуқаролар даромадларини солиққа тортишда адолатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари даромадларини солиққа тортишдаги бўшлиқларни ёпиш, норасмий даромадларни чеклаш ҳамда даромад солиғи фискал аҳамиятини оширишга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Даромадларни солиққа тортиш механизмни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича имтиёزلарни қайта кўриб чиқиш ва даромадларини солиққа тортишда адолатлилиқни таъминлаш нуқтаи назаридан берилган таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли Қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги ДС/03-32/2904-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида жисмоний шахслар даромад солиғи бўйича 12 фоизлик ягона ставка белгиланган шароитда давлат бюджети даромадларига 950 млрд. сўмдан ортиқ қўшимча тушум таъминланган;

концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича даромад солиғидан тўлиқ озод этиш имтиёзини бекор қилиш бўйича таклифи янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги ДС/03-32/2904-сон маълумотномаси). Бундай тартибнинг жорий этилиши натижасида даромадларга солиқ солишнинг адолатлилик принципига мослашуви таъминланган;

солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини амалиётга жорий этиш мақсадида календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорида инобатга олинди (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги ДС/03-32/2904-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида давлат бюджетига қўшимча 150 млрд. сўм атрофида маблағ тўплаш имконияти яратилган;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлаш тартибини жорий этиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 28 майдаги ДС/03-32/2904-сон маълумотномаси). Таклиф асосида якка тартибдаги тадбиркорларни уларнинг ҳақиқий солиқ салоҳиятидан келиб чиқиб, солиққа тортиш тартиби йўлга қўйилди ва бу орқали даромадларга солиқ солишдаги адолат таъминланган ҳамда давлат бюджети даромадлари базаси ўсишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, республика ҳамда халқаро илмий-амалий анжуманларда 8 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг “**Даромадларни солиққа тортишнинг назарий-концептуал асослари**” номли бобида даромадларни солиққа тортишнинг назарий асослари ва уни такомиллаштиришга оид замонавий тадқиқотлар таҳлили амалга оширилган. Даромадларни солиққа тортишда адолат принципи, хусусан, горизонтал ва вертикал адолат принципи таъминланиши, бунда истеъмол савати ва яшаш минимумига асосланган солиққа тортилмайдиган даромад миқдорини ўрнатишнинг объектив зарурлиги асосланган.

Аҳоли даромадларидан тўланадиган солиқлар давлат бюджетини тўлдириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Фуқаролардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда, уларнинг фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилади. Даромад солиғи орқали давлат ўз бюджетининг катта қисмини шакллантириши баробарида аҳоли даромадлари даражасини бошқариб боради ва шу орқали фуқароларнинг шахсий истеъмоли таркиби ҳамда жамғармаларини тартибга солади. Бошқа томондан кишиларнинг ўз даромадларидан имкон қадар рационал фойдаланишларини рағбатлантиради.

Бироқ, солиқ тўловчилар, айниқса тадбиркорлик субъектлари давлатга солиқ тўлаш учунгина ўз фаолиятларини ташкил қилмайди, балки маълум бир миқдордаги етарли фойда ёки даромад олиш учун майдонга чиқади. Агар давлат ўз қонунлари ёки солиқлари билан уларга етарли бўлган даромад топиш имкониятларини йўққа чиқарса, у ҳолда солиқ тўловчилар ўз фаолиятларини давлат назоратидан олиб қочишга ва даромадларини давлат ҳисобидан яширишга уринишади. Бу ўз-ўзидан яширин иқтисодиётнинг ривожланишига олиб келади. Яширин иқтисодиёт юзага келишига юқори солиқлар сабаб бўлади солиқ ставкаларининг кўтарилиши, бюджет дефицити, охир-оқибатда иқтисодий ва сиёсий жараёнларнинг заифлашуви кузатилади.

Солиққа тортишда адолатнинг таъминланиши асосан даромадларни солиққа тортиш механизми орқали рўёбга чиқарилади. Бунда фақат аҳолининг ёки тадбиркорлик субъектларининг барча қисмини солиққа жалб


қилиш орқали солиққа тортишнинг умумийлигини таъминлаш тушунилмайди. Балки, даромадларни солиққа тортиш даражасида ҳам адолат таъминланиши, яъни фуқароларнинг тўлов қобилияти ва даромадлари даражаси ҳам ҳисобга олиниши назарда тутилади.

Даромад солиғининг прогрессив механизми воситасида аҳоли даромадлари, айниқса юқори даромадларининг бир қисмини аҳолининг муҳтож қатлами манфаатларига қайта тақсимлаш амалга оширилади. Шу орқали жамиятда фуқаролар даромадларидаги тенгсизликка маълум даражада барҳам берилади. Даромадларни прогрессив ставкалар асосида солиққа тортиш механизмида ижтимоий чегирмалар тизими жуда муҳим аҳамият касб этади. Турли мамлакатларда жисмоний шахслар даромад солиғидан турли хил чегирмалар кўзда тутилган бўлиши мумкин. Солиққа оид бундай чегирмалар ўз моҳиятига кўра стандарт ва ўзгарувчан ижтимоий чегирмаларга бўлинади.

Даромадларни солиққа тортишнинг назарий-концептуал асосларини тадқиқ қилиш орқали фуқаролар даромадлари прогрессив механизмда солиққа тортилиши ва бунда ижтимоий чегирмалар тизими амал қилиши лозимлиги тўғрисидаги хулосага келдик.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби “**Ўзбекистон солиқ тизимида даромадларни солиққа тортиш механизмининг амалдаги ҳолати таҳлили**”, дея номланиб, унда Ўзбекистонда даромадларни солиққа тортиш тизимининг шаклланиши, ҳуқуқий ва услубий асослари ўрганилди, аҳоли даромадлари таркиби ва уларнинг солиққа тортилиши ҳолати таҳлил қилинди. Хусусан, аҳолининг ёлланиб ишлашдан ва мустақил бандликдан олинаниган даромадларини солиққа тортиш механизми таҳлили амалга оширилди. Боб бўйича амалий хулосалар, муаллифлик мулоҳазалари шакллантирилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жисмоний шахслар даромадларини тўғридан-тўғри ёки муқобил режимда солиққа тортиш тизимини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда жисмоний шахслар даромадларини тўғридан-тўғри ёки муқобил тартибда солиққа тортиш тизими⁶

⁶ Солиқ кодекси асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

Умумбелгиланган тартибда солиққа тортиш жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги, мулкӣй, моддий наф тарзидаги, бошқа даромадларнинг маълум бир турларига нисбатан қўлланилади. Даромадларни умумбелгиланган тартибда солиққа тортиш механизмининг ўзи даромад тури, даромадни тўловчи ким эканлиги ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда икки хил усулда амалга оширилади, яъни тўлов манбаида ёки декларация асосида.

2019 йилга қадар Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг даромадларига пропорционал ва прогрессив солиқ ставкалари амал қилган. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси⁷ асосида 2019 йилдан амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортиш механизмида жуда катта ўзгартириш қилинди. Унга кўра 2019 йилдан даромад солиғининг прогрессив механизми бекор қилиниб, 12 фоизли пропорционал ставкага ўтилди. Бу орқали, жисмоний шахслар оладиган даромадларнинг айрим турларига прогрессив механизмнинг энг куйи (7,5 фоиз) ставкасида солиқ солиш тартиби ҳам ўз моҳиятини йўқотди.

Даромад солиғи прогрессив механизмининг бекор қилиниши декларация асосида солиққа тортиладиган даромад турларининг ҳам қисқаришига сабаб бўлди. Жумладан, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар декларацияланмайдиган бўлди.

Республикада даромадларни солиққа тортиш механизми таҳлили шуни кўрсатдики, солиқ қонунчилигига биноан жисмоний шахсларнинг маълум бир турдаги даромадларига солиқ солинмайди. Бироқ, Ўзбекистонда амал қиладиган имтиёз турларининг аксарият кўпчилиги халқаро амалиётда қарийб учрамайди ва илмий-назарий жиҳатдан ҳам асосланмаган ҳисобланади. Бундан ташқари, жисмоний шахсларга даромад солиғидан имтиёз беришда ижтимоий адолат принципига тўлиқ риоя қилинмаган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин. Бундай имтиёзлар сирасига Солиқ кодекси 179-моддаси 34-бандига кўра акциядорлик жамиятлари чет эллик ходимларининг бошқарув ходими сифатида ўз фаолиятдан олган даромадларига солиқ солинмаслиги, шунингдек, Солиқ кодекси 180-моддасининг 8-бандига биноан концерт-томоша фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган шахслар ушбу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича даромад солиғидан тўлиқ озод этилганлигини киритиш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурслари зич жойлашган мамлакатлардан бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам мамлакатимизда бандликни тўлиқ таъминлаш муаммоси давлат олдидаги ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб масалалар қаторида бўлиб келмоқда.

⁷Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги 5468-сонли Фармони.

Ўзбекистонда аҳолининг реал даромадларини жадал ошириб бориш, уларнинг ихтиёрида қоладиган даромадлар миқдорини кўпайтириш давлат олдида турган жуда муҳим ва долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Бу масалада даромадларни солиққа тортиш механизмнинг ўрни жуда сезиларлидир. Қуйидаги жадвалда мамлакатимизда аҳолининг умумий даромадлари таркибини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

Ўзбекистонда аҳолининг умумий даромадлари таркиби⁸, % да


Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2013 йилга нисбатан +,-
Аҳоли даромадалари таркиби, шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар, ш.ж.	68,4	71,0	74,4	74,3	73,5	71,0	+2.6
<i>ёлланма ишчиларнинг даромадлари</i>	40,2	37,0	38,4	37,3	36,4	34,1	-6.1
<i>мустақил бандликдан олинган даромадлар</i>	28,2	34,0	36,0	37,0	37,1	36,9	+8.7
мол-мулкдан олинган даромадлар	2,8	2,4	2,8	3,1	3,4	3,0	+0.2
трансфертлардан даромадлар	27,0	24,4	20,3	20,2	20,9	23,7	-3.3
шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқаришдан даромадлар	1,8	2,2	2,5	2,4	2,2	2,3	+0.5
Кичик тадбиркорликдан даромадларнинг аҳоли умумий даромадларидаги салмоғи	50,7	54,9	55,7	57,1	55,7	56,5	+5.8

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадлар 2013 йилда 68,4 фоизни, 2015 йилда 74,4 фоизни, 2018 йилда 71,0 фоизни, 2013-2018 йилларда ўртача 71,0 фоизни ташкил қилган. Яъни таҳлил қилинаётган давр мобайнида нисбатан барқарор тенденцияга эга бўлган. Бироқ, унинг таркибига назар ташлайдиган бўлсак, ёлланиб ишлашдан олинган даромадларнинг аҳоли умумий даромадларидаги салмоғи йилдан-йилга камайиб борганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, бундай даромадлар салмоғи 2013 йилда қарийб 40,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 37,3 фоизга, 2018 йилда эса 34,1 фоизга тушиб қолган. Аҳолининг мустақил бандликдан олинган даромадлари салмоғи умумий даромадларга нисбатан 2013 йилда 28,2 фоизни, 2015 йилда 36 фоизни ва 2018 йилда 36,9 фоизни ташкил қилиб, ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Яъни, Ўзбекистонда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, шунингдек, хонадон, томорқа ёки деҳқон хўжаликларида банд бўлишдан олинаётган даромадлар ошиб бормоқда. Буни, кичик тадбиркорликдан даромадларнинг аҳоли умумий даромадларидаги салмоғи кўтарилиб борганлигидан ҳам

⁸ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

кўриш мумкин. 2013 йилда аҳолининг умумий даромадларида кичик тадбиркорликдан даромадлар улуши 50,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 55,7 фоизга, 2018 йилда эса 56,5 фоизга етган. Бундан ташқари, аҳолининг мол-мулкдан олинган (мулкый) даромадлари салмоғи ҳам кўтарилиб бориш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2013 йилда бу кўрсаткич 2,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб 3,0 фоизга етган.

Юқоридагилардан кўринадикки, Ўзбекистонда аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан ва мол-мулкдан олинган даромадлари ёлланиб ишлашдан олинган даромадларга нисбатан ортиб борган. Бирок, таҳлилларга асосланган бўлсак, ушбу ўсиб боровчи даромадларни тўлиқ қамровли ва адолатли солиққа тортиш масаласини ижобий баҳолаб бўлмайди. Республика бўйича концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш учун “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмасидан белгиланган тартибда лицензия олиб ҳақиқатда фаолият кўрсатаётган жисмоний шахсларнинг сонини 2013-2018 йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бундай тадбиркорлик субъектлари сонининг ўсиш тенденциясига эга эканлигини қуйидаги расмдаги диаграммадан кўришимиз мумкин.



2-расм. Республикада 2014-2018 йилларда концерт-томоша фаолиятини амалга оширган жисмоний шахсларнинг сони⁹

Диаграмма маълумотларидан кўринадикки, 2014 йил 1 январь ҳолатига лицензияга эга бўлгани ҳолда ҳақиқатда томоша-концерт фаолияти билан шуғулланган жисмоний шахсларнинг сони республика бўйича 368 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич, 2015 йил 1 январь ҳолатига 318 тани, 2016 йил 1 январь ҳолатига 797 тани, 2017 йил 1 январь ҳолатига 1007 тани ва 2018 йил 1 январь ҳолатига 1048 тани ташкил қилган. Кўриб турибмизки, бундай жисмоний шахслар сони таҳлил қилинаётган 5 йил мобайнида қарийб 3 баробарга кўпайган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини кўпайтириб боришнинг турли

⁹Давлат Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

манбаларини шакллантириш мақсадида иқтисодиётимизда хусусий тадбиркорлик, кичик ва оилавий бизнесни, жумладан, шахсий томорқа, хонадон ва деҳқон хўжалигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантиришга устувор аҳамият бериб келинди. Амалга ошириб келинган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдан олинadиган даромадлари йилдан-йилга ошиб борганлигини таҳлиллар кўрсатди.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда даромад олаётган жисмоний шахслар аксарият қатта қисмининг даромадлари солиққа тортилмасдан келмоқда. Ушбу фикримизни асослаш учун қуйидаги жадвал орқали жисмоний шахслар даромадлари турларининг солиққа тортилиши даражаси ҳолатини таҳлил қиламиз.

2-жадвал

**Ўзбекистонда жисмоний шахсларнинг даромадлари
солиққа тортилиши даражаси¹⁰**

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2013 йилга нисбатан фарқ
Даромад солиғи (ЖШДС) тушуми, млрд сўм	2717,3	3261,7	3800,7	4137,4	4876,7	6422,7	3705,4
ЯТТлардан қатъий белгиланган солиқ (ҚБС) тушуми, млрд сўм	394,4	528,3	651,1	794,2	1019,5	1024,8	630,4
Жами ЖШДС + ҚБС тушуми, млрд сўм	3111,7	3790,0	4451,8	4931,6	5896,2	7447,5	4335,8
Аҳоли жон бошига ЖШДС+ҚБС, минг сўм	102,0	122,2	141,0	153,5	180,6	225,1	123,1
Ҳар бир иқтисодий фаол кишига ЖШДС+ҚБС, минг сўм	236,4	280,6	323,4	351,7	410,7	508,6	272,2
Иқтисодиётда банд ҳар бир кишига ЖШДС+ҚБС, минг сўм	248,5	295,7	340,9	370,8	436,1	561,1	312,6
ЖШДС+ҚБСнинг аҳоли умумий даромадларига нисбати	3,3	3,4	3,6	2,8	2,9	3,1	0,2
ЖШДСнинг ёлланиб ишлаш ва мол-мулкдан олинган даромадларга нисбати	6,6	7,5	7,4	5,8	7,6	9,9	3,3
ҚБСнинг мустақил бандликдан олинган даромадларга нисбати	1,6	1,4	1,4	1,2	1,7	1,6	-

Жадвалда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (ЖШДС) ва яқка тартибдаги тадбиркорлардан олинadиган қатъий белгиланган солиқ (ҚБС) тушумлари аҳоли даромадларига қаратилган умумий солиқлар сифатида қаралган. Аҳолининг ёлланиб ишлайдиган қисми даромадларидан тўлов манбаида ЖШДС тўлайди, мулкый даромадлардан ҳам ЖШДС ундирилади. Аҳолининг мустақил тарзда банд бўлган қисмидан ЯТТлар даромадларидан ҚБС тўлайди, деҳқон ва хонадон хўжаликлари даромадлари эса солиққа тортилмайди. Шу сабабли, аҳолининг мустақил бандликдан даромадларига тўғри келувчи солиқ фақат ҚБСдир.

¹⁰ Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Юқоридаги жадвал таҳлилидан кўрадиган бўлсак, ЖШДС ва ҚБС тушуми биргаликда олинганда 2013 йили 3111,7 млрд сўми, 2015 йилда 4451,8 млрд сўми ва 2018 йилда 7447,5 млрд сўми ташкил этган. Мазкур солиқлар умумий суммасининг 2013 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори 102,0 минг сўм, иқтисодий фаол ҳар бир кишига тўғри келадиган миқдори 236,4 минг сўм, иқтисодиётда банд ҳар бир кишига тўғри келадиган миқдори эса 248,5 минг сўми ташкил этган. Бу кўрсаткичлар 2018 йилда мос равишда 225,1 минг сўм, 508,6 минг сўм ва 561,1 минг сўми ташкил этган. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда банд бўлган битта фуқаро 2018 йил учун бир ойда ўртача атиги 46,7 минг сўм даромад солиғи тўлаган.

Энди Ўзбекистонда тўланган даромад солиғи (шу жумладан ҚБС) суммасини аҳолининг даромад турлари бўйича нисбатлаб кўрсак, қуйидаги ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. Даромад солиғидан тушум суммасини аҳолининг ёлланиб ишлаш ва мол-мулкдан олинган умумий даромадларига нисбати 2013 йилда 6,6 фоизни, 2015 йилда 7,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич камроқ ўсганлигини, яъни 9,9 фоизни ташкил қилганлигини кўрамиз. Ваҳоланки, 2013-2018 йилларда ЖШДС 3 босқичли прогрессив ставкаларда ундирилган бўлиб, юқори ставка 23 фоизгача миқдорда ўрнатилганлигини кўрдик. Боз устига Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи 2018 йилда 1822,2 минг сўми ташкил этган. Бу суммага нисбатан прогрессив ставкаларда ҳисобланадиган даромад солиғи суммаси ўртача 216 минг сўми ташкил қилиши, яъни ўртача иш ҳақи суммасига нисбатан 12 фоизни ташкил этиши лозим. Бундан хулоса чиқарадиган бўлса, ЖШДСга тортиладиган аҳоли даромадлари ичидан мулкӣ даромадлар қисми лозим даражада солиққа тортилмаяпти. Шунинг ҳисобига даромад солиғидан тушум суммасини аҳолининг ёлланиб ишлашдан ва мулкдан олинган умумий даромадларига нисбати камроқ фоиз бўлиб келган.

Якка тадбиркорлардан ундирилган ҚБС тушумларининг аҳоли мустақил бандлигидан олган умумий даромадларидаги салмоғи 2013-2018 йилларда ўртача 1,5 фоизни ташкил қилиб келганлигини кўришимиз мумкин. Бу дегани, аҳолининг юридик шахс иш берувчиларда ёлланиб ишламасдан ўзини-ўзи мустақил банд қилишдан, яъни хусусий якка ёки оилавий тадбиркорликдан, хонадон ёки деҳқон хўжалиги юритишдан олган даромадларининг бор-йўғи 1,5 фоизигина солиққа жалб қилинган. Бунинг оқибатида ҚБС билан бирга олинган ҳолда жами ундирилган даромад солиғининг аҳоли умумий даромадларига нисбати таҳлил қилинаётган 2013-2018 йиллар мобайнида ўртача 3,2 фоизни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги жадвал таҳлилидан, Ўзбекистонда даромад солиғи (шу жумладан, ҚБС) мажбуриятига эга бўлмаган (имтиёзли) фуқаролар ҳамда норасмий банд бўлган жисмоний шахслар даромадларининг жами аҳоли даромадларидаги салмоғи катта эканлиги тўғрисида хулосага келиш мумкин.

Ушбу хулосамизни қуйидаги таҳлил орқали янада чуқурроқ асослашимиз мумкин. Шу мақсадда Ўзбекистонда аҳоли даромадларининг

солиққа тортилиши қамровини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

3-жадвал

Иқтисодиётда банд аҳолининг даромад солиғига (ш.ж. ҚБС) жалб қилиниши ҳолати¹¹

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2013 йилга нисбатан фарк
Иқтисодиётда банд аҳоли сони, минг киши	12523,3	12818,4	13058,3	13298,4	13520,3	13273,1	7498,8
- давлат мулкчилигида банд аҳоли, минг киши	2328,6	2324,7	2341,3	2330,4	2338,3	2452,5	123,9
- нодавлат мулкчилигида банд аҳоли, минг киши	10194,7	10493,7	10717,0	10968,0	11182,0	10820,6	625,9
Даромад солиғи (ЖШДС) тўловчилар сони, минг киши	4942,0	5040,8	5141,7	5255,5	5781,7	5897,3	955,3
ЯТТлар сони, минг киши	202,5	227,6	251,8	275,0	279,7	360,1	157,6
Жами ЖШДС ва ҚБС тўловчи жисмоний шахслар, минг киши	5144,5	5268,5	5393,5	5530,5	6061,4	6257,4	1112,5
Иқтисодиётда банд аҳолидан ЖШДС ва ҚБС тўловчилар улуши, %	41,1	41,1	41,3	41,6	44,8	47,1	6
ш.ж. нодавлат мулкчилигида банд аҳолидан ЖШДС ва ҚБС тўловчилар, %	27,6	28,1	28,5	29,2	33,3	35,2	7,6

Бунда иқтисодиётда банд аҳоли, шундан давлат мулкчилигида банд аҳоли, нодавлат мулкчилигида банд аҳоли, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи (ЖШДС) тўловчиси сифатида ҳисобга олинган фуқаролар, яқка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТлар) сони таҳлилга киритилган.

Ўзбекистон иқтисодиёти банд жами аҳоли 2013 йилда 12523,3 минг кишини ташкил қилган бўлиб, шундан 10194,7 минг киши нодавлат мулкчилигида банд бўлган. Шу йили ЖШДС тўловчилар сони 4942,0 минг нафарни, қатъий белгиланган солиқ тўловчи ЯТТлар сони 202,5 минг нафарни ташкил қилган. Демак, жами ЖШДС ва ҚБС тўловчи жисмоний шахслар сони 5144,5 минг кишини ташкил этган. Бу рақам иқтисодиётда банд жами аҳолига нисбатан 41,1 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, миллий иқтисодиётда банд бўлгани ҳолда даромад олаётган аҳолининг қарийб 40 фоизигина даромад солиғига жалб қилинган, қолган 60 фоиз аҳоли даромад солиғидан четда қолган. Энди иқтисодиётда банд аҳолининг нодавлат мулкчилигида банд бўлган қисмининг даромад солиғига жалб қилинганлигини кўрадиган бўлсак, 2013 йилда бу кўрсаткич 27,6 фоизни

¹¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

ташқил қилган. Банд аҳолининг даромад солиғига жалб қилинмаган қисми фақат давлат мулкчилиги қисмига тўғри келади. Чунки, давлат мулкчилигидаги корхона ва ташкилотларда ишчи-ходимлар норасмий ёллангани мумкин эмас ва бунинг иложи ҳам бўлмайди.

Бу рақамларнинг кейинги йиллардаги динамикасини кўрадиган бўлсак, вазият ижобий эмас, аксинча салбий томонга ўзгариб борганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2014-2016 йилларда иқтисодиётда банд жами аҳолининг ўртача 41,3 фоизи даромад солиғига жалб қилинган, нодавлат мулкчилигида банд аҳолининг эса 28,6 фоизи солиққа жалб қилинган.

Фақатгина 2017-2018 йилларга келиб вазият ижобий томонга ўзгара бошлаган. Хусусан 2018 йилда иқтисодиёти банд жами аҳоли сони 13273,1 минг кишини ташқил қилган бўлиб, шундан 10820.6 минг нафари нодавлат мулкчилигига тўғри келади. 2018 йилда ЖШДС тўловчилар сони 5897.3 минг нафарни, қатъий белгиланган солиқ тўловчи ЯТТлар сони 360.1 минг нафарни ташқил қилган. ЖШДС ва ҚБС тўловчи жисмоний шахсларнинг умумий сони 6257.4 кишини ташқил этиб, жами банд аҳолининг 47.1 фоизни ташқил этади. Нодавлат мулкчилигида банд бўлган аҳолидан даромад солиғига жалб қилинган қисми 35.2 фоизни ташқил қилган. Юқоридаги жадваллардаги маълумотлар таҳлилидан хулоса қилдиган бўлсак, Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳолининг жуда катта қисмининг даромадлари бевосита солиққа тортилмай келмоқда.

Аҳоли норасмий бандлигининг кучайиб бориши умумий иқтисодиётда норасмий сектор улушининг янада кенгайиб боришини рағбатлантиради. Норасмий иқтисодиётнинг кенгайиб бориши эса давлатнинг молия тизимини ва издан чиқаради. Давлат бюджетига тўланадиган турли солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларнинг тўланмаслигига, банкдан ташқари пул айланмаси ва банклардаги нақд пул маблағларининг етишмаслигига сабаб бўлади.

Яширин иқтисодиёт ва норасмий бандлик иқтисодиётга умумий солиқ юкининг ҳам ҳаддан ташқари нотекис тақсимланишига олиб келади. Чунки, аҳолининг расмий иқтисодиётда банд қисми ҳам даромадларидан тўғри солиқларни тўлайди, ҳам истеъмолида эгри солиқлар юкини кўтаради. Яширин иқтисодиётдан даромад топувчилар эса фақатгина эгри солиқларни истеъмолдан билвосита тўлайдилар. Бу охир оқибатда аҳолининг даромадлилик даражасида ҳаддан зиёд тенгсизликни юзага келтириб чиқаради.

Бозор муносабатларига йўналтирилган мамлакатлар ўтиш даврида солиқ инструменти орқали аҳоли даромадларини қайта тақсимлаш ва иқтисодиётни тартибга солишни амалга оширади. Аҳоли даромадларидаги сезиларли тенгсизликни бартараф этиш муаммоси ривожланган мамлакатларда аллақачон маълум даражада ҳал қилинган. Бироқ, аксарият ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам бу муаммо ҳанузгача ҳал қилинмаган.

Ўзбекистонда ҳам 2019 йилга қадар жисмоний шахслар даромадларни солиққа тортишда прогрессив ставкалар қўлланилди, аммо у фуқароларнинг фақат бир қисмини, яъни ёлланиб ишловчилар даромадларига тадбиқ қилинган эди. Аҳолининг қолган қисмининг мустақил бандликдан, хонадон, томорқа ёки деҳқон хўжалиги юритишдан, тадбиркорликдан ҳамда мол-мулкдан оладиган даромадлари ё алоҳида тартибларда солиққа тортилган, ёки умуман даромад солиғига жалб қилинмаган. Бунинг сабаби республикада аҳоли даромадларининг катта қисми норасмий (хуфяона) манбалардан шаклланиб келганлиги, аксарият даромадларни назорат қилиб бўлмаслиги, аксарият даромад турларини тўлиқ ҳисобга олиш тизимининг йўлга қўйилмаганлигидадир. Демак, биринчи навбатда аҳолининг мустақил бандликдан ҳамда мол-мулкдан оладиган даромадларини ҳисобга олиш ва самарали солиққа тортиш механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Бизнинг фикримизча, ЯТТларни солиққа тортишнинг амалдаги механизми бир пайтнинг ўзида ҳам адолатсиз, ҳам самарасиз ҳисобланади. Ўзи умумман олганда Ўзбекистонда амалиётида қўлланиб келинган ҚБС ҳеч қандай илмий-назарий асосга ҳам эга эмас. Бундан ташқари, индивидуал банд шахслар (якка тартибдаги тадбиркорлар) даромадларини солиққа тортишнинг хорижий давлатлар тажрибасида ҳам бизнинг республикадаги каби ҚБС амалиёти мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда мустақил тарзда банд бўлиб фаолият юритишнинг яна бир тури, яъни концерт-томоша фаолияти алоҳида қайд этилган бўлиб, мазкур фаолият билан шуғулланишдан юридик ва жисмоний шахслар оладиган даромадлари солиққа тортилмайди.

Давлат бюджетига мана шундай талаб мавжуд ҳозирги шароитда асоссиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш, солиққа тортишда умумийлик ва ижтимоий адолатни таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланмоқда. Шу сабабли, концерт-томоша фаолияти учун бир пайтлар жорий қилинган имтиёзли солиқ режимини ҳозирги кунда танқидий таҳлил қилиб, мазкур фаолият турида банд шахсларни умумий тартибда солиққа тортишга ўтказиш билан муаммоларни бартараф этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда аҳолининг мустақил банд бўлишдан оладиган даромадларининг маълум бир қисми хонадон ёки томорқа хўжаликларида маҳсулот етиштириб сотиш ҳисобидан ҳам шаклланиши барчага маълум. Солиқ кодекси 179-моддасининг 12-бандига мувофиқ уй хўжалигида, шу жумладан деҳқон хўжалигида етиштирилган ҳайвонларни тирик ҳолда ҳамда уларни сўйиб, маҳсулотларини хом ёки қайта ишланган ҳолда (саноатда қайта ишлашдан ташқари), табиий ва қайта ишланган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромадлар солиқдан озод қилинган. Фикримизча мазкур имтиёз ҳам илмий-назарий жиҳатдан асосланмаган ва ижтимоий адолат принципига тўғри келмайди. Чунки, солиқ солиш умумий, яъни ҳамма учун бир хил бўлиши лозим. Даромадга эга бўлган ҳар қандай шахс ўз даромадларидан

умумжамият манфаатлари учун давлат бюджетига солиқ тўлаши лозим. Солиқ тўлашдан фақат маълум бир ижтимоий сабаб туфайлигини озод бўлиш мумкин. Бундай ижтимоий сабаблар сирасига кишининг ногиронлиги ва шунга ўхшаган ҳолатларни киритиш мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолатда ҳар қандай шахс солиқ мажбуриятини барча қатори ҳис қилмоғи зарур.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида даромадларни солиққа тортиш борасида яна бир бўшлиқ мавжуд. Бу – хусусий мулкдорларнинг ўз бизнесини юридик шахс сифатида ташкил қилишдан оладиган яқуний фойдасининг солиқдан озод қилинганлигидир. Солиқ кодекси 179-моддасининг 6-бандида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин хусусий корхона мулкдори, оилавий корхона иштирокчиси ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи ихтиёрида қоладиган фойда суммаси даромад солиғидан озод қилинган. Бироқ, акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган юридик шахсларнинг таъсисчилари корхона ихтиёрида қолган фойда тақсимланганда оладиган дивидендлари бўйича солиққа тортилади. Бу ҳар иккала ҳолатда ҳам олинаётган даромад моҳиятан бир хил бўлганлиги учун адолат нуқтаи-назаридан бир хил тартибда солиққа тортилиши лозим. Боз устига, кўрсатиб ўтилган тоифадаги тадбиркорлик субъектлари юридик шахс сифатида ҳам умумбелгиланган солиқ солиш тизимида солиқ тўламайди, балки соддалаштирилган махсус тизимда солиқ тўлайдилар. Айниқса фермер хўжаликлари юридик шахс сифатида фақат ягона ер солиғи тўлаш билан чекланади. Бошқача айтганда фермер хўжалиги юритишдан олинадиган даромадлар на юридик шахс сифатида ва на мулкдор сифатида солиққа тортилмайди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жисмоний шахслар даромадларини тўғридан-тўғри умумбелгиланган ва муқобил режимда солиққа тортиш тизимлари шаклланган. Хусусан, ёлланиб ишловчи жисмоний шахслар даромадлари тўлов манбаида умумбелгиланган тартибда солиққа тортилади, мустақил банд хусусий тадбиркорлар даромадларига эса қатъий белгиланган солиқ солинади. Бундай ҳолат бир хил даромадга эга бўлган фуқаролар ўртасида солиқ юкининг асоссиз равишда турлича бўлишига олиб келмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг мустақил равишда банд бўлишдан ва мол-мулкдан олинадиган даромадлари ёлланиб ишлашдан олинадиган даромадларга нисбатан ортиб борган. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатдики, ушбу ўсиб боровчи даромадларни тўлиқ қамровли ва адолатли солиққа тортиш масаласини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Солиқ қонунчилигида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган бўлиб, бу имтиёз турларининг аксарият кўпчилиги халқаро амалиётда қарийб учрамайди ва илмий-назарий жиҳатдан ҳам асосланмаган ҳисобланади. Бундан ташқари, жисмоний шахсларга даромад солиғидан имтиёз беришда ижтимоий адолат принципига тўлиқ риоя қилинмаган ҳолатларни ҳам учратиш мумкин.

Бугунги кунда қарийб 150 та давлатда даромадларни солиққа тортишнинг прогрессив механизми амал қилади. Прогрессив шкала асосида даромадларни солиққа тортишга кўпчилик олимлар қуйидагиларни асос сифатида келтиради:

1. Кам таъминланган одамнинг йўқотган бир сўми юқори шахсни йўқотадиган бир сўмига тенг эмаслиги. Яъни, даромади кам инсонга солиқнинг миқдори кам бўлсада юки сезилади. Даромади кўпайиб борган сайин кишининг солиқ тўлаш имконияти ҳам кенгайиб боради.

2. Солиққа тортишнинг прогрессив механизми аҳоли даромадларидаги тенгсизликни маълум даражада қисқартиришга хизмат қилади. Одатда даромад солиғининг прогрессив механизми 0 ставка қўлланадиган ёки солиққа тортилмайдиган минимал даромаднинг белгиланиши билан биргаликда амал қилади. Бунда даромади турмуш кечириш учун зарур бўлган энг миқдордан ошмайдиган фуқаролар автоматик равишда даромад солиғидан озод бўлади. Аксинча, юқори даромадга эга бўлган шахсларнинг даромадлари прогрессив механизмнинг ошиб боровчи ставкалари воситасида кўпроқ солиққа тортилади.

3. Давлат хизматларининг нотекис тақсимланганлиги, ўзига тўқ одамлар давлатдан кўпроқ манфаат кўриши. Кишиларнинг даромади кўпайиб боргани сайин улар кўпроқ мулкка, бойликка эга бўлиб борадилар. Давлат тинчлик ва хавфсизлик каби ўз ижтимоий хизматларини яратиш орқали фуқаролар мол-мулкнинг даҳлсизлигини, улардан эмин-эркин фойдаланишга шароитни таъминлайди. Демак, кимнинг даромади кўп бўлса, ўша давлатнинг тинчлик ва хавфсизлик хизматларини кўпроқ истеъмол қилади. Ўз-ўзидан шунга яраша солиқни ҳам кўпроқ тўлаши тақозо этилади. Бу эса солиққа тортишнинг прогрессив механизми орқали таъминланади. Демак, прогрессив механизм охир-оқибатда ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги бўшлиқларни қоплаш ва барқарорлаштирувчи восита сифатида майдонга чиқади.

Диссертация ишининг **“Даромадларни солиққа тортиш механизмларини хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш йўллари”** дея номланган учинчи бобида даромадларни солиққа тортишнинг ривожланган мамлакатлар амалиёти қиёсий таҳлили, даромадларни солиққа тортишда ижтимоий чегирмалар тизимини киритиш истиқболлари, Ўзбекистонда даромадларни солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш йўллари хусусида тадқиқотлар олиб борилган.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар солиқ сиёсатига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг аксарият кўпчилигида аҳолидан олинадиган даромад солиғидан тушумлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра ривожланган мамлакатларда солиқ тушумлари таркиби¹² (%)

Давлатлар	Жисмоний шахслар даромад солиғи	Корпорациялар фойдасига солиқ	Кўшилган қиймат солиғи	Мулк солиқлари	Ижтимоий суғуртага тўловлар
Дания	57,8	5,3	18,9	2,6	2,1
Швейцария	31,9	9,8	12,9	6,0	25,2
Исландия	35,8	8,7	20,8	3,0	9,5
Норвегия	25,2	17,6	19,9	1,8	25,5
Ирландия	32,0	8,1	20,0	3,2	18,9
Швеция	34,2	6,1	20,6	0,6	8,6
